

ХАЛҚ ПСИХОЛОГИЯСИДА ИДЕНТИКЛИК НИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ

Халима Бувабаевна Кадирова
Низомий номидаги ТДПУ, доценти

Аннатация: Мақолада идентиклик ўзининг муайян этник бирликка мансуб эканлигини англашига алоқадор психологик категориядир бири эканлиги. Унинг таркибида одатда икки асосий компонентни ажратишади – когнитив (ўзи тегишли бўлган гуруҳнинг хусусиятлари ҳақидаги билим ва тасаввурлар муайян характеристикалар асосида ўзини унинг аъзоси, бир қисми эканлигини англаш) ва аффектив (ўз мансуб бўлган гуруҳнинг хусусиятларини, унга мансублигини, мазкур аъзоликнинг муҳимлигини баҳолаш ва бунга муносабат) жиҳатлар ажратиб қўрсатилади.

Калит сўзлар: Идентиклик, мансублик, этник, халқ психологияси, ижтимоий макон, ўзликни англаш, этногуруҳ, миллий, қадриятлар, толерантлик, инсон, фуқаролик мансублик.

СУЩЕСТВОВАНИЕ ИДЕНТИЧНОСТИ В НАРОДНОЙ ПСИХОЛОГИИ

Халима Бувабаевна Кадирова
доцент ТГПУ имени Низоми

Аннотация: В статье идентичность представляет собой психологическую категорию, связанную с осознанием принадлежности к определенной этнической группе. В его составе обычно выделяют два основных компонента - когнитивный (знания и представления об особенностях группы, к которой принадлежит, осознание того, что он член группы, часть ее на основе определенных признаков) и аффективный (оценка характеристик принадлежности к группе, важности этой принадлежности и отношения к ней)) выделенных аспектов.

Ключевые слова: идентичность, принадлежность, этнос, народная психология, социальное пространство, самосознание, этногруппа, национальность, ценности, толерантность, человек, гражданство.

THE EXISTENCE OF IDENTITY IN FOLK PSYCHOLOGY

Khalima Kadirova Buvabaevna
Associate Professor of TSPU named after Nizomi

Resume: In the article, identity is a psychological category associated with the awareness of belonging to a particular ethnic group. In its composition, two main components are usually distinguished - cognitive (knowledge and ideas about the

characteristics of the group to which one belongs, awareness that he is a member, part of it on the basis of certain signs) and affective (assessment of the characteristics of belonging to a group, belonging to it, importance aspects of this belonging and attitude to it) are highlighted.

Keywords: identity, belonging, ethnus, folk psychology, social space, self-consciousness, ethnic group, nationality, values, tolerance, person, citizenship

Асосий мазмун: Ижтимоий фанлар тизимида идентиклик, яъни мансублик «меъёр» категорияси орқали ҳам ифодаланади. Шаклига кўра этник мансублик ижобий мазмун билан бойитилган «толерантлик» (бағиқенглик, чидамлилик) қўмагида турли этносларнинг ўзаро мулоқот ҳиссини «ижобийлик» асосида шакллантиради. Ижтимоий ҳаётда «ижобийлик» омили ҳамма вақт бир хил мазмун касб этмаслиги мумкин. У «космополитизм» (дунё фуқароси маъносига келади) назариясидан фарқли равища «меъёрий» этник идентикликка эга бўлган этномаданий қадриятларни афзал деб билади. Социологик «меъёр» «айнанлик» ёки «мансублик»дан чекиниб, «индифферент» (лоқайд)лик ва гипоидентиклик (этнонигилизм) хусусиятларни намоён қилиши мумкин.

Кириш. XX асрнинг 90 йилларидан бошлаб дунё харитасининг кескин ўзгариб бориши ва бир қатор мустақил давлатларнинг вужудга келиши илмий мулоқотда «ўзликни англаш» ғоясини гиперидентиклик шаклида ўсиб борди. Социумда этник ва фуқаролик мансубликни қўллаб-қувватлаш ёки улардан бутунлай воз кечиш геометрик прогресс асосида кучайиб кетди. Ўз навбатида ушбу омилнинг у ёки бу маънода тезлашиши маълум бир этник жамоалар учун норасолик, чекланиш, этник гурӯҳ вакилларининг ўзлик учун уялиш ҳиссини келтириб чиқаради. Идентикликда ўзидаги мансубликка нисбатан салбий муносабатда бўлиш, шахснинг атроф билан ижтимоий маданий мулоқотга киришишида маълум қийинчиликларни сезишга олиб келади. Натижада «этнонигилистик» кайфият инсоннинг ўзидаги этник мансубликдан бегоналашувига сабаб бўлади.

Этноэгоизм этник ўзликни англашда гиперидентиклик шаклга айланиши мумкин ва унинг асосида ижобий этник идентикликка меъёрдан ортиқ интилиш вужудга келади. Гиперидентиклик – ўз этносига нисбатан маҳлиёлик бўлиб, унда этник гурӯҳларнинг бир қатор хусусиятлари табиий равища афзал қўришдан «бегоналар» қаршисидаги ўз устунлигига мутлақ ишончни шакланишини назарда тутади. Бунда ҳар бир этногурӯҳнинг бир қатор хусусиятларини табиий равища афзал қўришдан «бегоналар» қаршисидаги ўз устунлигига мутлақ ишончга айланишини назарда тутилади. Идентикликнинг бундай типида зиддиятларни ҳал этиш зўравонлик кўринишини касб этиши эҳтимоли катта.

Мансубликнинг яна бир шакли «гиперидентиклик» бўлиб, унда гурӯҳ аъзолари социумда этник устунликка эришиш учун қатъий ҳужум тамойилига

асосланади. Социологияга оид адабиётларда гиперидентиклик нисбатан холис, қонун-қоидалар доирасида мавжуд турга нисбатан ҳаракатланувчи «этноэгоизм» ибораси қўлланилади. Аввалги турларга нисбатан «этноэгоизм» тартибли ҳаракат қилади ва жамиятдаги қайсиdir этник гурӯҳ аъзолари билан мулоқотга киришишда «нафрат», «ғазаб» ёки ўз ҳалқи муаммоларини ўзгалар ҳисобига ҳал этиш ҳуқуқини қўлга киритиш ҳиссини намоён этади.

Халқлар психологиясини илмий ўрганиш ҳамма вақт долзарб муаммолардан бўлишига қарамай, унинг умумий томонлари турли фан вакиллари ва мутахассислари тадқиқотларида ўрганилган. Шундай бўлсада, муаммонинг хусусий томонлари, айниқса айрим этник гурӯҳлар, катта-кичик миллатларга хос хусусий томонлар етарлича таҳлил этилмай қолади. Немис тадқиқотчиси В.Вундт халқлар психологияси хусусида қуйидаги фикрларни илгари суради: «халқлар психологияси индивидуал психология сингари мустақил фан бўлиб, у индивидуал психик жараёнлар асосида ривожланиб боради». Вундт «миллат» ва «халқ» тушунчаларини тенглаштирган ҳолда этнопсихологиянинг тадқиқот обьектини тил, фольклор ва урф-одатларнинг аҳлоқ куртаклари билан бирга ўрганишни таъкидлайди. У «тил ҳалқ руҳида яшайдиган тасаввурлар, қонунлар ва уларнинг алоқадорлигини умумий шаклда қамраб олади. Афсоналар эса тасаввурларнинг ilk мазмунини ўзаро бир-бирига ҳиссий алоқадорлик ва улуғворлик руҳида намоён этади, урф-одатларда мавжуд тасаввур ва улуғворликдаги ифоданинг умумий йўналишлари акс эттирилади» [1,-Б. 2] – деб изоҳ беради. Табиийки, этник идентиклик ҳалқ психологиясининг ифодасини беради.

Миллий фанатизм этник англашнинг гиперидентиклик шаклига айланиши асосида ижобий идентикликка ҳаддан ортиқ интилиш туради. Бунда ўз этник гурӯҳининг бир қатор хусусиятларини табиий равишда афзал кўришдан «бегоналар» қаршисидаги ўз устунлигига мутлақ ишонч назарда тутилади. Идентикликнинг бундай шаклида зиддиятларни ҳал этиш зўравонлик қўринишини касб этиши эҳтимоли катта. Гиперидентикликнинг энг жиддий ва агрессив тури – бу «миллий фанатизм» бўлиб, бунда у ёки бу маънода тушуниладиган этник манфаатлар йўлида ҳар қандай ҳаракатга, ҳатто этник «тозалаш», бошқа халқларнинг ижтимоий имтиёз ва имкониятлардан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум этиш, халқнинг этник ҳуқуқларини инсон ҳуқуқларидан устун қўйиш, ўз ҳалқининг фаровонлиги йўлидаги курашда ҳар қандай қурбонликларни оқлашга тайёр бўлади.

Этноидентиклик қўринишлари аксарият индивидларга моноэтник идентиклик хос бўлиб, у расмий этномансубликка мос келади. Идентикликнинг бошқа вариантлари сингари у интенсивликнинг кўплаб даражаларида намоён бўлади. Қулай ижтимоий-тарихий шароитларда ижобий этник идентиклик ғурур, қадр-қиммат, оптимизм, ишонч, қониқиши, ватанпарварлик туйғулари билан уйғунлашиб кетади. Бундан ташқари, кўплаб тадқиқотларда «позитив

гурухий (этник) идентиклик билан аутгурухли (этнослараро) толерантлик ўртасида яқын ички алоқа» борлиги исботлаб берилган. [2, -Б. 469-473]

Кўп идентиклик одам учун фойдали, чунки бу унга бир гуруҳ тажрибасидан бошқа гуруҳга мослашишда фойдаланиш ва ўз гурухи қадриятларига зиён етказмасдан яна бир маданият бойликларини ўзлаштириш имкониятини беради. [3, -Б. 2278-3075]

Бундай одамларни маданиятлар ўртасидаги воситачи ёки кўприк деб аташади. Икки этник гуруҳга мансубликни англаш ва қабул қилиш қоришиқ (турли этнос вакиллари ўртасидаги) никоҳдан туғилганларнинг шахсий ўсишига ҳам ижобий таъсир ўтказади. Бироқ заиф, ўзининг ҳам, бегона этник гуруҳ билан ҳам аниқ намоён бўлмаган идентиклик бўлиши мумкин. Бу маргинал этник идентиклиkdir. Бундай ачинарли ҳолатда одам икки маданият ўртасида муаллақ қолиб, иккиланиш оқибатида биронтасининг ҳам меъёр ва қадриятларини етарли даражада ўзлаштирмайди. Бу каби маргиналлар, идентикликларда адашиб, кўпинча ўзидағи ички зиддиятларга дуч келишади. Айнан шунинг учун улар ташқи жиҳатдан агресив миллатчиликка мойил бўлишади ва бу агресивлиги ўзининг ёки бегона гуруҳ фойдасига қаратилган бўлиши мумкин (бунда агрессиянинг йўналиши уларнинг қайси бири жамиятда юқорироқ мавқега эгалигига қараб белгиланади). Бу, эмпирик тадқиқот натижаларига кўра, қундалик ҳаётда намоён бўлади. Аммо «икки ўлчам» модели ҳам одам ўз этник бирлигини бошқа бирликлар билан ўз зиёнига солиштирган ҳолатда, унинг ўз ички хотиржамлигини сақлаб қолишининг барча мумкин бўлган стратегияларини қамраб ололмайди.

Агар ўзининг бир ёки бир неча этник гуруҳларга мансубликни англашнинг бир неча сатҳлари бор экан, демак унинг нолга teng сатҳи ҳам бор бўлиши мумкин. Бошқа сўзлар билан айтганда, бўш, аниқ намоён бўлмаган этник идентиклик ёки ҳатто унинг буткул йўқ бўлиши ҳам (ҳеч бўлмагандан англашилмайдиган даражада) мумкин. [4, -Б. 420-423].

Шахсий хотиржамликни сақлаш стратегияси сифатида у этник омилнинг ҳам ўз ҳаётидаги, ҳамжамият ҳаётидаги аҳамиятини инкор этишда намоён бўлади.

Инсон идентиклиги қандайлигига қараб, у ёки бу даражада аниқлик билан, унинг хатти-ҳаракатларини, қабул қиласидиган ёки инкор этадиган қадрият ва нормаларни, қизиқишлири ва тамойилларини, стереотипларини ва амал қиласидиган йўриқларини прогнозлаш мумкин. Агар ижтимоий идентиклик – бу ўзининг ижтимоий гуруҳга мансублигини англаш экан, унда бу мазкур гуруҳда аҳамиятли бўлган қадриятлар, йўриқлар, стереотиплар меъёрларни ҳам қабул қилиши англатади. Тахмин қилиш мумкини, конкрет индивид учун ҳар бир ҳолатда идентикликнинг ҳар хил турлари турли даражада актуал бўлади, яъни айни шу ҳолатда бирон бир битта идентиклик энг юзадаги, асосий, «етакчи» бўлади.

Хулосалар: Демак, шу пайтда индивид ўз мансублигини англаш баробарида, меъёр, қадриятлар ва бошқаларнинг бутун тизимини актуаллаштиради. Бошқача айтганда, қадриятлар иерархияси доимий эмас, у муайян пайтида долзарб бўлган идентикликка боғлиқ равишда, худди амалга оширилаётган хатти-ҳаракат моделлари сингари, қайта тизимлашади. Шу нуқтаи назардан масалага назар ташланганда, долзарб ижтимоий идентиклик хатти-ҳаракатни ва ички мундарижани, баҳолаш ва категориялаш мезонларини янада долзарблаштирадиган, қайта тизимлаштирадиган, объектив ижтимоий алоқа ва муносабатлар билан чамбарчас боғлиқ бўлган механизмлардан биридир. Индивид ўзига у ёки бу ижтимоий маконни танлар экан, шу билан ўзи учун аниқ идентикликни ҳам танлайди.

Бу эса ўз навбатида, унга энг оғир азоб – буткул ёлғизлик ва шубҳалардан халос бўлиш имконини беради. Шулардан келиб чиқиб, биз «идентиклик» тушунчасига ўзимизнинг муаллифлик таърифимизни бердик: «Идентиклик – бу ривожланиш жараёнида пайдо бўлади ва муайян яхлит структурага мансублик ҳиссини туйиш, шунингдек, шахснинг айнан ушбу структурага тегишли эканлиги ва унинг таркибида муайян аниқ ижтимоий гуруҳнинг бир қисми эканлигини англашни билдиради. Идентиклик воситасида инсон ўзи мансуб бўлган ижтимоий макондаги социомаданий эҳтиёжларини қондиради ва у орқали жамиятда ўз ўрнини топади». [5, -Б. 142-150]

Шундай бўлсада, айrim ҳолатларда идентиклик миллий рух, характер ва ўзликни англаш омиллари билан эътироф қилинади. Жамиятда етакчи ва устун ҳисобланган социомаданий идентификация одатда, нафақат шахсни, балки социумда истиқомат қилаётган авлодларнинг ҳам ўзини ҳар томонлама ижобий баҳолаши ёки социал муҳитга муваффақиятли ижтимоийлашуви билан боғлиқ мутаносибликларни акс эттиради. У ёки бу идентификациянинг ижтимоий структурадаги ўрни социомаданий контекстнинг ўзгариши таъсирида алмашиши мумкин. Масалан, ҳар бир даврнинг бошқарув аппаратидаги ўзгаришлар янги шахслараро ёки авлодлараро идентификацияни пайдо қилиши мумкин.

АДАБИЁТЛАР:

1. Вундт В. Фантазия как основа искусства. – СПб.: 1914. – С.2.
- 2.Kadirova Y. B. The Advantages of Improving Students' Civic Literacy in Building a Democratic State Governed by the Rule of Law //International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding. – 2021. – Т. 8. – №. 5. – С. 469-473.
- 3.Kadirova H., Akhmedova F. Sociological Analysis of the Nation's Identity, the Levels of Feeling the National Identity in Uzbekistan //International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering (IJITEE) ISSN. – С. 2278-3075.

**JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH
VOLUME-2, ISSUE-15 (28-February)**

-
4. Kadirova Y. LOVING THE COUNTRY IS FAITHFUL //Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. В4. – С. 420-423
5. Кадирова Х. Б. Миллий идентиклик ва миллий ўзликни англаш муаммоларини социологик тадқиқ этиш методологияси //ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ. – 2022. – №. SI-1. Б.142-150
6. Akhmedova F. Attitude of young people to education Журнал социальных исследований, 2021.
7. Ахмедова Ф.М. Тиббиёт социологиясининг фанлараро илмий йўналиш сифатида шаклланишининг хусусиятлари.Журнал социальных исследований, 2022
8. Buvabaevna K. Y. Issues of Civil Literacy Development in the Education System //Annals of the Romanian Society for Cell Biology. – 2021. – С. 5477-5489.
- 9.BUVABAEVNA K. Y. LEGAL BASIS OF FORMATION OF CIVIC CULTURE IN STUDENTS KADIROVA YAKITJAN BUVABAEVNA: LEGAL BASIS OF FORMATION OF CIVIC CULTURE IN STUDENTS KADIROVA YAKITJAN BUVABAEVNA //Journal of Information Computational Science. – 2021. – №. 1.